

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ РИВОЖИДА ЁШЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАСИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.11627939>

Азамат Мухтаров

ТДИУ “Ижтимоий фанлар” кафедраси мудир
фалсафа фанлари доктори, профессор

АННОТАЦИЯ

Янгиланаётган Ўзбекистон сиёсати маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиши, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириши, аҳоли, айниқса ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириши, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаши, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, Ўзбекистон ўзгаришлар жараёнлари оқимида ўзининг бетакрор ижтимоий-сиёсий, маънавий янгиланишлари дастурига эга бўлган давлат сифатида ўзига хос ва ўзига мос мавқе эгаллади. Ижтимоий ҳимоя ва инсоният тараққиётига кучли таъсир ўтказишига қодир бўлган давлат сифатида ўзининг кенг имкониятларини намоён этиши каби масалаларга эътибор қаратилган. Мақолада ижтимоий давлат ривожига ёшлар фаоллигини ошириши масалалари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: *Ижтимоий давлат, ёшлар, “Инсон қадр”, огоҳлик, интеллектуал салоҳият, “Оммавий маданият”, таҳдид, мафкуравий иммунитет, тарбия, ижтимоий фаоллик, маънавий муҳит, ахборот хуружлари, бефарқлик, маънавий қашшоқлик.*

THE PROBLEM OF INCREASING THE ACTIVITY OF YOUTH IN THE DEVELOPMENT OF THE SOCIAL STATE

ABSTRACT

The renewed policy of Uzbekistan aims to systematically organize spiritual and educational work, increase the effectiveness of the measures implemented in this regard, increase the intellectual potential of the population, especially the youth, their thinking and worldview, strengthen their ideological immunity, educate a mature generation that lives with a sense of patriotism, love and loyalty to the people. special attention is paid. After all, Uzbekistan has taken a unique and appropriate position as a country with its unique socio-political and spiritual renewal program in

the course of change processes. The focus is on issues such as social protection and the manifestation of its broad potential as a state capable of exerting a powerful influence on human development. The article examines the issues of increasing youth activity in the development of the social state.

Key words: *Social state, youth, “Human dignity”, awareness, intellectual potential, “Mass culture”, threat, ideological immunity, education, social activity, spiritual environment, information attacks, apathy, spiritual poverty.*

ПРОБЛЕМА ПОВЫШЕНИЯ АКТИВНОСТИ МОЛОДЕЖИ В РАЗВИТИИ СОЦИАЛЬНОГО ГОСУДАРСТВА

АННОТАЦИЯ

Обновленная политика Узбекистана направлена на системную организацию духовно-просветительской работы, повышение эффективности реализуемых в этом направлении мер, повышение интеллектуального потенциала населения, особенно молодежи, их мышления и мировоззрения, укрепление идеологического иммунитета, воспитание зрелого особое внимание уделяется поколению, живущему с чувством патриотизма, любви и преданности народу. Ведь Узбекистан занял уникальную и соответствующую позицию как страна со своей уникальной программой социально-политического и духовного обновления в ходе процессов перемен. В центре внимания такие вопросы, как социальная защита и проявление его широкого потенциала как государства, способного оказывать мощное влияние на развитие человечества. В статье рассматриваются вопросы повышения активности молодежи в развитии социального государства.

Ключевые слова: *Социальное государство, молодежь, «Человеческое достоинство», осведомленность, интеллектуальный потенциал, «Народная культура», угроза, идеологический иммунитет, образование, социальная активность, духовная среда, информационные атаки, апатия, духовная нищета.*

КИРИШ

Маълумки, миллий давлатчилик тарихига назар ташласак, жуда кўплаб давлатчилик шакллари кузатиш мумкин. Буларга буржуа, социалистик, демократик ва бошқаларни келтириш ўринли. 2017 йилдан бошлаб, Янги Ўзбекистон шароитида “халқ давлат идораларига эмас, аксинча давлат идоралари халққа хизмат қилиши лозимлиги” белгилаб қўйилди. Унга асосан, Янгиланаётган Конституциянинг 1-моддаси “Ўзбекистон – бошқарувнинг

республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат”, дея ўзгартирилди. Аслида, “Ижтимоий давлат” тушунчаси “Инсон қадри” ғояси билан чамбарчас боғлиқ. Уларнинг туб негизида, аввало, инсон қадрини улуғлаш, халққа хизмат қилишдек олижаноб мақсадлар ётади. Бинобарин, ижтимоий давлат моҳиятини ҳар бир инсон учун тенглик ва адолат тамойиллари асосида муносиб яшаш шароитини яратиш масалаларини қамраб олади. Президентимиз таъбири билан айтганда, “ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечирishiга зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш, демакдир[3]. Ижтимоий соҳа ҳақида сўз кетганда иқтисодий соҳа муҳим аҳамиятга эгадир. Иқтисодиётнинг юксалиши кишилар ҳаётида янги қарашлар ва имкониятларни очиб беради. Бугунги кунда жаҳондаги ривожланган давлатлар бошқа соҳаларда ҳам етакчиликни эгаллашга ҳаракат қилмоқда. Ўзбекистонда ҳам мустақилликдан сўнг, янги иқтисодий йўл билан ривожланиш бирламчи вазифага айланди, дейиш мумкин. Сабаби коммунистик тизим кишилар ҳаётида янгиликка бўлган қизиқишларни пасайтирди, жамиятда тушкунлик ва турғунлик ҳолатини келтириб чиқарди. Мустақилликдан сўнг Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг мустаҳкам пойдевори яратилди. Унинг асосини донишманд халқимиз, хусусан тадбиркорларимиз, деҳқончилик учун қулай бўлган катта далаларимиз, ер ости ва ер усти бойликларимиз ташкил этади. Улкан имкониятларга эга бўлган юртимизда иқтисодий жиҳатдан ўз салоҳияти билан жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллаб бормоқда. Ижтимоий давлат – бу давлатнинг конституциявий ҳуқуқий мақоми бўйича сифат тавсифи бўлиб, унда инсон ва фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда давлатнинг тегишли мажбуриятлари конституциявий кафолатланганлигини тақозо этади. Ижтимоий давлат жамиятнинг умумий манфаатларига хизмат қилиб, ундаги ижтимоий фарқларни камайтиришга ёки истисно қилишга интилади. Давлатнинг ижтимоий характери кўп ҳолларда унинг Асосий қонунида мустаҳкамлаб қўйилади. 1949 йил биринчи бор ГФР Конституциясида, кейинги йилларда бошқа Европа давлатларида, МДХ давлатлари конституцияларида ижтимоийлик ўзининг конституциявий ифодасини топган. Ижтимоий давлат инсонларнинг меҳнати ва соғлиғини муҳофаза қилиш, иш ҳақининг минимал кафолатланган миқдорини белгилаш, оила, оналик, оталик ва болаликка, ногиронлар ва кекса кишиларга ёрдам беришни таъминлаш, давлат пенсиялари, нафақалари ва ижтимоий ҳимоянинг бошқа турларини кафолатлаш мажбуриятига эга. Ижтимоий давлатнинг моддий замини муҳтож қатламларнинг яшаш минимумини таъминлай оладиган иқтисодий ривожланишнинг юксак даражасидир. Мавзуга

алоқадор иккинчи муҳим тушунча, “ёшлар фаоллиги” билан алоқадор ҳисобланиб, унга асосан. Мамлакатимизда халқнинг бой интеллектуал-маданий мероси ва умумбашарий қадриятлари асосида ёшлар фаоллигини ошириш, уларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатларини юксалтириш борасида кенг қамровли ислохотлар олиб борилмоқда. Бундай масъулиятли мавзуда гап кетганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти шундай фикрларни илгари сурган эди: “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”[1;14]. Бу вазифаларни амалга оширишда энг аввало ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг янгича дунёқарашини шакллантириш масалалари муҳим илмий аҳамият касб этади. “Фаоллик” тушунчаси, асосан, “фаолият” тушунчасининг синоними сифатида ҳам қўлланилади. Инсоннинг фаоллиги атроф муҳитни ўз эҳтиёжлари, қарашлари, мақсадларига мувофиқ ўзгартириш қобилияти сифатида алоҳида мазмун-моҳият касб этади. Тегишли адабиётларда шахс фаоллигининг бир қатор белгилар бўйича фарқланиши ҳақида сўз боради[2;46]. Бу борадаги ёндашувларни умумлаштирган ҳолда фаолликнинг қуйидаги шакллари кўрсатиб ўтиш мумкин:

Бундан ар мавжудлиги унинг йўналишлари, соҳалари хилма хил эканлигини билдиради. Фаоллик соҳалари инсонлар, шахслар ёки муайян ижтимоий гуруҳ қатламлари фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ажралиб қолмаган. Фаоллик ижтимоий қатламлар, хусусан ёшлар онги, дунёқарashi, хулқ-атвори, ҳаётий мақсад ва интилиши уларнинг миллий ғоявий қиёфалари билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Шунда ёшлар фаоллиги, фаол ёшлар, ёшларнинг ижтимоий фаоллиги, сиёсий фаол ёшлар атамаси ишлатилади.

15 ёшдан 24 ёшгача бўлган шахсларнинг ижтимоий ўзгаришларга қаратилган жамоат ташкилотида фаолияти ёшлар фаоллиги деб аталади. Ёшларнинг фаоллиги жамият ҳаётидаги сиёсий иштирок ва фаолликнинг ўзгаришига олиб келади. Ёшлар фаоллигининг сезиларли ўзгариши - бу “муқобил фаоллик”нинг кучайиши, ёш фаолларнинг ҳаёт тажрибаси ва мулоқотга эътибор беришидаги самарадорлик тушунилади. Кўпгина тадқиқотлар шуни кўрсатдики, замонавий технология ва рақамли ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш бутун дунё бўйлаб ёшларнинг жамият

хаётидаги фаоллигини ўзгартирди ва ёшлар оммавий ахборот воситаларида катта авлодларга қараганда фаолроқ намоён бўлмоқда.

АДБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Ижтимоий давлатда ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг ижтимоий ҳуқуқий асослари. Ўзбекистон Республикасида ёшларга жамиятнинг имтиёзли табақаларидан бири сифатида ғамхўрлик кўрсатилиб, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил рўёбга чиқаришга эътибор бериб келинмоқда. Улар манфаатларини ҳар томонлама муҳофаза қилиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида, “Таълим тўғрисида”ги, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги, “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунларда ўз ифодасини топган. Биргина “Ҳаракатлар стратегияси ижроси доирасида 2017 йилнинг ўзида 20 дан ортиқ қонун ва 700 дан зиёд қонуности ҳужжатлари қабул қилинди”[3;4]. Адолатли ҳуқуқий давлат куриш, эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда фаровон ҳаёт даражасига эришиш халқимиз интилаётган юксак марралардир. Ушбу мақсадларга эришишда жамиятимизда ёшларнинг ўрни ва роли ўзгача. Шу боис бугунги кунда мазкур масала давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бу сиёсатнинг мазмун-моҳияти, асосий йўналишлари, ёшларга бериладиган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий кафолатлар Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунида ушбу соҳанинг асосий йўналишлари бўлган ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий чоратadbирларни аниқ белгилаб берди”[4;12]. “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонунда[5;] ижтимоий ҳимояни Ўзбекистон ёшлари манфаати ва келажаги йўлида уларнинг жисмоний, ақлий, ахлоқий ривожланиши ҳамда ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топишини таъминлаш мақсадида уларга давлат томонидан тақдим этилган кафолатлар мажмуи сифатида белгилаб беради. Шу боисдан ҳам давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев “БМТнинг Ёшлар стратегиясида таъкидланганидек, “ёшлар сиймосида энг қимматли ва ўта муҳим ресурслар мужассам топган бўлиб, унга ҳар қанча инвестиция киритса арзийди, чунки бу сармоялар бир неча баробар зиёда бўлиб қайтади”. Мен ғоят муҳим ушбу фикрга тўлиқ қўшиламан. Шу йилнинг бошидан буён COVID-19 пандемияси билан боғлиқ вазият глобал ҳаёт кун тартибидаги марказий масала бўлиб келмоқда. Янги коронавируснинг тарқалиши бутун дунёда жиддий иқтисодий ва ижтимоий оқибатларга олиб

келди. Аҳоли, биринчи галда ёшлар ана шу таҳдидларга жавобан давлатлар ҳамда халқаро ҳамжамият томонидан кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилишини талаб этадиган кўплаб муаммоларга тўқнаш келди. Бундай шароитда ёшларнинг овозига кулоқ тутиш жуда муҳимдир. Уларнинг долзарб эҳтиёжларини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган миллий, минтақавий ва глобал стратегия ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда бевосита иштирок этишлари учун ёшларга имконият яратиб бериш зарур”[6;] деб таъкидлайди.

Мутахассислар фикрича, ҳар қандай мамлакат аҳолисининг ижтимоий таркиби, айниқса ёшлар қатлами нисбатан тез ўзгарувчан, динамик ўсувчи ва мунтазам шаклланиб бориши сабабли доимий йўналтириб ва қўллаб-қувватлаб туришни тақозо этади. Ҳар бир давлат ўзининг келгуси истиқболи давомчиси бўлган ёш авлодни демократик, умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбия қилишнинг уддасидан чиқиши, уларни ижтимоий жиҳатдан етарли даражада қўллаб-қувватлаши энг долзарб вазифалардан ҳисобланади[7;121]. Ҳар қандай жамиятнинг бунёдкори, сифатида намоён бўладиган ёш авлоднинг тарбияси доимо аҳамият касб этади. Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизидан зиёдини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини таъкидлаш лозим[8;22]. Кишиларнинг жамият, кенг аудитория, халқ билан мулоқот ўрнатишга интилиши, энг аввало, унинг ижтимоий маконда ўзини, ўзлигини намоён қилиш истагидан келиб чиқади. Шу маънода, Президент Ш.Мирзиёевнинг 2021 йилни юртимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб номланишида рамзий маъно ҳам бор. Дарҳақиқат, “ёшларни замонавий билим ва тажрибалар, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказишимиз зарур”[9;3]. Ижтимоий ҳаёт билан инсон ўртасидаги алоқалар икки томонлама, диалектик тарзда кечади. Инсонга ижтимоий муҳит қанчалик таъсир этса, инсон ҳам ижтимоий муҳитга таъсир этиш, уни ўзгартириш имконига эга. Шунинг учун иккала томон ҳам ўз филтрига эга, яъни улар ўзига мос келадиган ахборотни қабул қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, ёшларда соғлом эътиқод ва юксак дунёқарашнинг шаклланиши учун етарли муҳит зарур бўлади. Ўзбекистонда бу борада улкан ишлар амалга оширилмоқда. Биринчидан, ёшларнинг ижтимоий қарашларига, ҳулқига, қизиқишига, дунёқараши ва бошқа жиҳатларини ўрганишда муайян давр, шарт-шароитларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, баҳо бериш талаб қилинади. Иккинчидан, ёшларнинг ўзига хос турмуш тарзини таҳлил қилиш ва ўрганиш. Бунда ёшларнинг ижтимоий ҳолати, ҳаёт кечириш тарзи ва унинг

ривожланишини назарий ва эмперик жиҳатдан ўрганиш. Учинчидан, ёшларнинг ҳар томонлама маънавий хатти – ҳаракатини ўрганиш ва таҳлил қилиш. Мавжуд ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар, муҳитнинг ўзгариши натижасида авлодлар ўртасидаги доимий боғлиқликни динамик ўрганиш. Дарҳақиқат, ёшлар жамиятнинг энг катта ва ҳаракатчан қисми ҳисобланади. Уларни ҳар доим ўрганиб бориш замоннинг долзарб масалалари қаторига киради.

МУХОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ижтимоий давлат ривожда ёшлар фаоллигини оширишнинг замонавий алгоритми. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ муҳим вазифалар белгиланган бўлса ҳам, вилоят ва туманларда унинг ижроси тўлиқ таъминланмаяпти. Ўқишни тамомлаган ёшларнинг аксарияти ўзи хоҳлаган эмас, қаерда таниши бўлса, ўша ерга ишга жойлашади. Кадрлар салоҳияти тўғри баҳоланмаган, ўз касбининг билимдони бўлмаган ҳар қандай ташкилот ёки бирлашма инқирозга маҳкум. Ҳокимият тизими бошқарув назариясидан йироқ таълим даргоҳида ўқиган, қурилиш, муҳандислик, кишлок хўжалиги, автомобиль йўналиши соҳаларини тамомлаган ёшлар билан тўла. Тизимда фаолият олиб бораётган айрим ёшлар муомала маданияти кўникмаларига эга эмас.

Фикримизча, олийгоҳларнинг ижтимоий йўналишларида таълим олаётган ёшлар бошқарув тизимида ишлашлари мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, Ўзбекистонда ёшлар аҳолининг 60%дан зиёдини ташкил қилади, мамлакат аҳолисининг ўртача ёши эса 25 ёшдир. Шу боис, кўшимча иш жойлари ҳамда турмуш фаровонлигини ошириш учун имконият яратиш орқали ёшларни қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор бериш зарур.

Ислохотларнинг муваффақияти, мамлакатимизнинг дунёдаги ривожланган, замонавий давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши, аввало, илм-фан ва таълим-тарбия соҳасининг ривожини билан, бу борада бизнинг дунё миқёсида рақобатдош бўла олишимиз билан узвий боғлиқ[10;]. Афсуски ҳали ҳам ёшларнинг оммавий тарзда қўшни мамлакатларга иш излаб кетиши давом этмоқда. Бандлик хизмати фаолияти ночор, иш ўринлари ташкил этиш режалари қоғозда қолиб кетмоқда.

Назария амалиётга айланмас экан, ижтимоий жараёнларда ўсиш бўлмайди. Бунинг учун қоғозбозликка чек қўйиш, реал вазиятдан келиб чиқиб хулоса чиқариш ва ҳолатни объектив баҳолаш ҳамда амалий фаолиятга ўтиш лозим.

Ҳаёт тўхтаб турмайди, тарих ғилдирагини орқага айлантириб бўлмайди. Жамият тараққиётида ижтимоий онг жиддий аҳамиятга эга. Чунки тузумни инсон ўзгартиради, ислохотни инсон амалга оширади. Ҳар қандай ўзгариш инсон, унинг манфаатлари билан боғлиқ бўлмас экан, масъулият ҳисси йўқолади.

Учинчидан, Ўзбекистонда бугунги кунда 159 та, шу жумладан, Тошкент шаҳрида 72 та, ҳудудларда 87 та олий таълим муассасаси мавжуд лекин бу мамлакатдаги барча ёшлар қатламини қамраб олмайди. Ёшлар ўқишга, келажакка бўлган иштиёқи сўнган, яъни етарли балл тўплай олмай, ўқишдан йиқилган йигит-қизлар хасга ёпишса ёпишадик, ёшлар иттифоқи ташкилотига ишонч билдириб, ёрдам сўрамайди. Ёки хорижга ишлагани кетади, ёки тушкунликка берилиб, ҳаётдан қўнгли қолади. Улар ўз келажagini “Ёшларга оид давлат сиёсат”да кўрганида эди, ўзига берилган имкониятларни тўғри мушоҳада қилиб, мақсади сари олға интилган, бир йил мобайнида ҳам ишлаб, ҳам ҳунар ўрганиб, ҳам ўқишга киришга улгурган бўлар эди.

Тўртинчидан, ҳозирга қадар ёшлар ўртасида жинойтчилик содир этилиши камаймади, ёшлар орасида келажакка ишонч руҳи ўрнига лоқайдлик, эътиборсизлик, ўйин-кулгуга берилиш, дангасалик, ҳеч нарсага қизиқмаслик, ишончсизлик, бўйсунмаслик, менсимаслик, тезда бойиб кетишни хоҳлаш, вақтни беҳуда сарфлаш каби иллатлар мавжуд.

Бешинчидан, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жинойтлар содир этшнинг олдини олиш, баркамол авлодни тарбиялашда оммавий ахборот воситалари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, ёшлар интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларни маънавий ва жисмоний камол топтириш, турли ёт ғояларни тарғиб қилиб келаятган ва паст савияли “оммавий маданият” таъсиридан асраш каби масалалар долзарблигини йўқотмаяпти.

«Оммавий маданият» ниқоби остида кириб келаятган таҳдидларнинг асосий мақсади қуйидагиларга қаратилган:

- 1) ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм ва эготцентризм ғояларини тарқатиш ва шунинг ҳисобидан бойлик орттириш;
- 2) бошқа халқларнинг неча мингйиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик;
- 3) уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар[11;42].

“Оммавий маданият” таҳдиди фақат четдан – Ғарбдан кириб келади, десак, қаттиқ адашамиз. Юртимизда нашр этилаётган айрим газета-журналлар, китоблар, суратга олинаётган баъзи клип ва кинолар, эфирга берилаётган

кўшиқ ва рақсларни кузатиб, соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам шундай хулосага келиши табиий.

Қолаверса, ҳозирда айрим ғарб давлатлари томонидан ўз миллий манфаатларини кенгайтиришда «демократия экспорти», «рангли инқилоблар» ва «ахборот хуружи» кабилар асосий воситага айланмоқда. Ғаразли мақсадга эга бўлган кучлар ўзларининг ғояларини турли хил нодавлат ташкилотлар, лойиҳалар, фондлар воситасида амалга оширишга уринадилар. Бундай сиёсатни амалга оширишда улар ахборотнинг энг қулай ва энг тезкор, энг самарали восита ва усулларида фойдаланмоқдалар. Ахборот айрим ғарб давлатлари ҳамда халқаро террористик ташкилотлар қўлида асосий ва даҳшатли қурол воситасига айланиб бормоқда. Глобаллашув жараёни бевосита ахборот билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кунда ахборот омили ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан айрим кучлар манфаатига айланиб бормоқда. Шиддат билан ўзгариб бораётган дунёда миллатлар ўз кадрятларини сақлаб қолишлари ва келгуси авлодларга етказиши билан боғлиқ масулият долзарб масалага айланиб бўлди[;41].

Олтинчидан, ота-оналар ўз орзу-ҳавасларининг қурбони бўлаётган, балоғатга етиб-етмаган қизлар келажаги ҳеч кимни қизиқтирмапти. Коллежни ҳам тамомламаган қизларни турмушга берган ота-оналар фарзандларининг на ҳунар, на касбга эга бўлмай, турмуш зарбаларига чидай олмай, бир ёки икки фарзанди билан ажрашиб кетаётганларидан, мурғак гўдак келажагидан хавотир олмайдилар. Оилада камситилган, жисмоний жазоланган, маънавий хўрланган, қулларча муносабат кўрган ёш оналарнинг қисмати ёшларга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар жойларда ўз ижросини таъминланмаётганини кўрсатади.

Еттинчидан, бугунги кунда ёшларнинг ҳар жабҳада фаол, ижодкор ва изланувчан бўлиши, эртанги келажак учун бугундан мустаҳкам пойдевор қўйишлари зарурлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Навқирон авлод вакиллари Ватанга садоқат, миллий анъана ва қадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш, бандлигини таъминлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдек устувор вазифаларни амалга ошириш, ёшларнинг таълим, зиёлилик даражаси, интеллектуал салоҳияти, одоб-ахлоқи, зукколиги, ҳаракатчанлиги ва шижоати, ўзгаришларга тайёрлиги жамиятнинг умумий тараққиёт даражасини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, ким бўлишидан қатъи назар, ўқитувчими, давлат хизмати ходимими, шифокорми, ишчими, ҳунармандми, ҳар бир миллат фидойиси фаолиятида танқидий таҳлил,

қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик кундалик қоидага айланиши лозим.

ТАКЛИФ ВА ХУЛОСАЛАР

Фикримизча, фан-техника, ахборот технологияси жадал ривожланаётган жамиятда аксари ёшларнинг турли муаммоларга ўралиб қолишининг сабаби уларнинг дунёқараши, онги ва тафаккури билан боғлиқ. Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудидаги ёшлар муаммолари ва ташаббусларини ўрганиш шарт ва зарур. Негаки, барча ёшларни ижтимоий фаол дейиш тўғри эмас. Ёшлар тарбияси ҳам давлатнинг, ҳам жамиятнинг ишидирки, бу оиладан бошлаб, фуқаролик жамиятининг барча ташкилотларигача устувор вазифа ҳисобланади. “Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган муҳим масала – ёшларнинг одоб-ахлоқи, юриш - туриши, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган – ёшлар. Ёшлар ўз даври талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин ўзлигини ҳам унутмасин. “Биз киммиз”, “Қандай улуғ зотларнинг авлодимиз” деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан”[13;].

Ёшларга оид давлат сиёсатининг марказида ёшларга таълим-тарбия бериш жараёнларини тубдан такомиллаштириш ва замонавийлаштириш, баркамол авлодни вояга етказиш, кучли ижтимоий ҳимоя масалалари туришининг ўзига хос жиҳатлари борки, давлат ёшларнинг жамиятнинг келажагини таъминловчи ижтимоий қатламга айланишида етакчи ўрин тутди. Айниқса, “Бугунги мураккаб вазиятда ёш авлод вакиллари замонавий таҳдидларга, жумладан, пандемияга қарши ўзларининг истиқболли ташаббуслари ва ижтимоий лойиҳалари билан муносиб жавоб бераётгани эътиборга сазовордир. Бутун жаҳонда кўнгилли ёшлар ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлашда, янги иқтисодий ва гуманитар дастурларни илгари суришда фаол иштирок этмоқда”[14;].

2024 йил - ““Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”-деб эълон қилинўи ва қуйидаги вазикалар белгилаб берилди. Иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни жалб этиш, тадбиркорлик ва хусусий мулк учун кенг имкониятлар яратишни янада кучайтирамиз. Илм-фан, инновация, IT каби соҳаларни, “яшил” ва рақамли технологияларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳозирда ёшлар фаоллигининг аҳамияти шу билан белгиланадики, уларнинг ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топиб олишлари учун етарли асослар шакллантирилиши ёшлар сиёсатини амалга ошириш босқичларида улар

кайфиятлари, орзу-истаклари, умидлари, ҳаётий мақсадлари, интилишлари ва қандай яшашга қизиқишларини илмий ўрганиш, улардан тўғри хулосалар чиқариш, ёшлар интилишларини ижобий ва бунёдкорлик ишларига йўналтиришга эришиш ўта долзарб стратегик вазифаларни келтириб чиқарганлигини кўрсатади[15;152].

Бизнинг фикримизча, бугунги ёшлар ижтимоий фаол, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарни пухта эгаллаган, халқаро майдонда рақобатга кириша оладиган бўлишлари учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, ёшлар билан доимий мулоқот олиб бориш, бандлигини таъминлаш, ҳаётда ўз ўрнини топишига қўмаклашиш, жамиятнинг муносиб аъзоларига айланишига имкон яратиш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш;

иккинчидан, ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятига йўл очиш, хотин-қизларга ҳунармандчилик билан шуғулланишлари учун кредитлар ажратиш, ёшларни касбга қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, фермерликни қўллаб-қувватлаш;

Ўйлаймизки, мамлакатнинг истиқболи, дунё ҳамжамиятида тутган ўрни ва мавқеи кўп жиҳатдан ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрликка, яратилаётган шарт-шароит, ёшларнинг жисмоний ва маънавий баркамол инсон бўлиб етишишига боғлиқ. Ёшларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, салоҳиятини юзага чиқаришга доир механизмларни ривожлантириш, айниқса, униб-ўсиб келаётган ёш авлодда етакчилик кўникмаларини шакллантириш баркамол авлод ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Юқорида келтирилган кенг қўламли ислоҳотларнинг бардавом бўлишини таъминлаш зарурати “ижтимоий давлат” тамойилини Конституцияда акс эттиришни тақозо қилди. Шу сабабдан умумхалқ муҳокамасидаги аксарият таклиф ва мулоҳазалар айнан ижтимоий соҳага йўналтирилган эди. Шу ўринда, Асосий қонунимизда мамлакатимизнинг ижтимоий давлат эканлигининг мустаҳкамлаб қўйилиши Янги Ўзбекистоннинг мазмун-моҳиятига ҳам шаклан, ҳам маънан мос бўлади, десак адашмаган бўламиз.

Бугунги кунда аҳолининг асосий қатлами бўлган ёшлар тарбиясини камол топтириш, уларни ягона Ватан, бирдамлик ва тотувлик ғоялари асосида бирлаштириш, янги улуғвор мақсадлар ва дадил ҳаракатларга ундаш, ҳар қандай ғаразли мақсадларни кўзловчи гуруҳлар, сиёсий кучлар ва марказларнинг ёвуз ғояларидан ҳимояланиш зарурлиги долзарб масалалар сирасига киради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2023 йил

22 декабр куни бўлиб ўтган Республика маънавий ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишда бу хусусда шундай фикрларни билдирди:

- “Азизларим, тарбияси издан чиққан нопок кимсалардан огоҳ бўлайлик!
- Фарзандларимизни уларнинг бузғунчи таъсиридан асрайлик!
- Келажагимизни ёвуз кучлар қўлига бериб қўйишга асло ҳаққимиз йўқ.
- Агар барчамиз биргаликда қатъий ҳаракат қилсак, жамиятимизда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлашга албатта қодирмиз.
- Янги Ўзбекистонда қонун устувор, жиноятга жазо муқаррар бўлиши шарт. Ва албатта шундай бўлади”.

Умуман олганда, ёшларга оид давлат сиёсати муҳим сиёсий йўналиш сифатида изчил жараён бўлиб, у ёшлар мавқеи ва ҳаёти билан боғлиқ бўлган воқеликнинг бош хусусиятларини ўзида мужассам этади. Шу нуқтаи назардан, ёшларга оид давлат сиёсати сиёсий йўналиш сифатида Ўзбекистоннинг мустақиллик йиллари тарихида юз берган ҳамда давлат томонидан мақсадли амалга оширилган ёшларга оид барча ижтимоий ўзгаришлар, туб ислохотлар, трансформация жараёнларини босиб ўтди. Яъни ёшларга оид давлат сиёсати ёшлар ҳаётини демократик тамойиллар асосида ижтимоий ташкиллаштириш, ёшлар ва давлат ўртасидаги муносабатларни позитив асосда қуриш, ёшлар манфаатлари ва кадриятларининг давлат манфаатлари билан мувофиқлигини таъминлаш учун олиб борилган саъй-ҳаракатлар ва мақсадлар мажмуини ташкил қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (REFERENCES):

1. <https://president.uz/uz/lists/view/6956>
2. <https://www.uzbekistan.org.ua/uz/konsullik-bo-lim>
3. Янгиланаётган конституция 100 саволга 100 жавоб. – Т.: “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази. 2023. –Б.8
4. <https://bigenc.ru/c/shtein-lorents-fon-ff62a3>
5. https://kitobxon.com/uz/kitob/fozil_odamlar_shahri-1
6. <https://lex.uz/docs/6445145>
7. <https://t.me/targibotmaterial>.
8. Маънавий ҳаётимизда янги куч, янги ҳаракатга айланиши керак. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Республика Маънавий ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқи. Республика маънавий ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши. Тарғибот материаллари. 2023 йил декабр.

9. Мирзиёев Ш.М. Конституция-эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир -Т.: Ўзбекистон, 2018-22 бет.
10. Бўронова Д. Мустақиллик йилларида ёшлар сиёсатининг баъзи масалалари. “Ижтимоий фикр.Инсон ҳуқуқлари” журнали, 2007, № 4, Б 152.
11. Saifnazarov I, Saifnazarova F, Yoshlar va oila Vatan tayanchi. T.: 2018. –B. 85.
12. Saifnazarov, I. (2023). Yangi O‘zbekiston: inson qadri ulug‘langan yurt. – Tashkent: “Ilm-Ziyo-Zakovat” MChJ. - 209.
13. Умаржонов, С. С. (2022). Ижтимоий фанларни ўқитишда Фахриддин Розий асарларининг ўрни ва ахамияти. Архив научных исследований, 2(1).
14. Саифназаров, И., & Умаржонов, С. (2022). Янги Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 23), 414-424.
15. Маматқулов, Ш. Т. (2022). Ёшлар фаоллигини шакллантириш механизмлари: муаммо ва ечимлар. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 23), 985-993.
16. Umarjonov, S.S. (2022). Imom Fahriddin Roziyning ibratli hayot yo‘li va ilmiy faoliyati. *Academic research in educational sciences*, 3, TSTU Conference 1, 717-722.
17. Mamatkulov, S. (2024). Some Aspects of Increasing the Social Activity of Young People in Uzbekistan (Harmony of National and Foreign Experience). *Central Asian Journal of Social Sciences and History*, 5(1), 116-135.